БУГУН—ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ҲАММА — САЙЛОВГА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 47 (19.123). ● 1985 йил 24 февраль, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

Бутун Советлар диёрида бўлгани каби серқуёш республикамизда ҳам бугун катта тантана. Шаҳар ва қишлоқларимиз эрта тонгданоқ гавжум. Ҳамма сайлов участкалари томон ошиқмоқда. Меҳнат аҳли Ўзбекистон ССР Олий Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўз вакиллари — коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки номзодлари учун — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг энг яхши вакиллари учун овоз бермоқдалар.

Советларга сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб, бу галги сайлов кампаниясига тайёргарлик совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини янада жўш урдириб юборганлиги табиий бир ҳол бўлди. Шу кеча-кундузда ҳамма ерда КПССнинг навбатдаги XXVII съездини, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин кураш олиб борилаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари сайловларни катта воқеа, халқ демократиясининг чинакам тантанаси сифатида кутиб олдилар. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозларининг коллективлари сайловлар шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ажойиб ютуқларга эришдилар, планга қўшимча кўплаб маҳсулот ишлаб чиқардилар, халқ хўжалик объектлари ва уй-жойларни фойдаланишга топширдилар, кўкламга тайёргарлик ишларини авж олдириб юбордилар.

Мана, бугун сайлов қутилари ёнига келишаркан, меҳнатчилар ўз ишлари ҳақида, эришилган ютуқлар тўғрисида бамисоли рапорт топширмоқдалар, республика ҳокимияти олий органи ва маҳаллий Советларга ўз муносиб вакилларини сайламоқдалар. Зотан, бизнинг мамлакатимизда бутун ҳокимият халқникидир. СССР Конституциясида айтилганидек, «Халқ давлат ҳокимиятини СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади. Давлатнинг бошқа ҳамма органлари халқ депутатлари Советлари назорати остида ишлайди ва уларга ҳисоб бериб туради».

Совет кишилари бу йил омманинг ижоди билан вужудга келган биринчи Советларнинг 80 йиллигини нишонлайдилар. Советлар — социалистик демократиянинг бевосита жонли ифодаси бўлиб, доҳиймиз В. И. Ленин таърифи билан айтганда, «Ҳамма учун очиқ, барча нарсани омманинг кўз ўнгида қиладиган, оммв учун қулай бўлган, бевосита омманинг ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, халқ оммасини ва унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир».

Давлат ҳокимиятини ўз қўллари билан моддий бойликлар яратадиган кишилар бошқарадиган биронта ҳам капиталистик мамлакат йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Буржуа парламентлари составига, одатда, мулкдор синфларнинг вакиллари, уларнинг манфаатларини ифода этувчи кишиларгина сайланади. Фақат бизнинг мамлакатимизда, социалистик ҳамдўстлик давлатларидагина ҳокимият меҳнаткаш халқ — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар қўлидадир.

Советлар давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишларнинг барча соҳаларига раҳбарлик қила бориб, сессиялар, доимий комиссиялар, депутатлар ва ўзларига бўйсинувчи бошқарув органлари орқали ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига ташкилотчилик ва йўналтирувчилик таъсирини кўрсатиб келмоқдалар. Коммунистик партия Советлар ўзларининг ваколатларини тўла ишга солишлари ва ташаббус кўрсатиб, тадбиркорлик ва уддабурролик билан иш юритишлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқда.

Ўртоқ К. У. Черненко «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида қайд этганидек, бизнинг сиёсий системамиз партия билан совет халқини бир бутун қилиб жипслаштирувчи синалган механизм бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бу меҳнаткашлар сайловолди йиғилишларида иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимиятининг олий органига Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини ўзларининг биринчи номзодлари қилиб кўрсатганликларида ҳам ўз ифодасини топди.

Бини бугун улар коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки номзодлари — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлиларнинг шонли фарзандлари учун овоз беришаётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина бизнинг республикамизда Ўзбекистон СССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига 105 мингдан зиёд номзод кўрсатилган. Улар аҳоли барча қатламларининг вакиллари бўлиб, учдан икки қисмидан кўпини ишчи ва колхозчилар ташкил этади. Шунисси диққатга сазоворки, депутатликка номзодларнинг орасида Совет Иттифоқидаги 50 дан кўп миллат ва элат вакиллари бор. Бу бизнинг мамлакатимиз халқларининг монолит бирлиги ва дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлигининг ишончли истеҳкоми эканлигини ифодалайдиган яна бир далилдир. Сайлов қутилари ёнига келаркан, турли миллат ва элатларнинг вакиллари экономика, фан ва маданият соҳасида ёппасига юксалишга эришишда оғаларча беғараз ёрдам кўрсатганлиги учун улуғ рус халқидан чексиз миннатдор эканликларини изҳор этмоқдалар, совет халқлари қардошларча дўстлигининг беқиёс афзалликларини намойиш қилмоқдалар, халқ ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларига сайланаётган кишиларга бу қардошликка содиқ бўлиб қолиш тўғрисида наказлар бермоқдалар.

Дарҳақиқат, сайловчиларнинг наказлари Советларнинг омма билан алоқасининг муҳим канали бўлиб, уларда меҳнат аҳлининг ўз давлати иши ҳақида, шаҳар ва қишлоқларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлиги, халқнинг катта ишонч билдириб, ҳокимият органларига юборган вакилларига нисбатан талабчанлиги ифодаланади. Партия бундан буён ҳам халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг янги, янада самароли воситаларини кенг кўламда излайверади, унинг амалда текширилган шаклларидан яхшироқ фойдаланишга эришаверади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари республикамиз экономикасида ва социал-сиёсий ҳаётидаги аҳволни объектив ва танқидий таҳлил қилиб, социалистик жамиятимиз табиатига ёт бўлган салбий ҳодисаларни тугатиш борасида бошлаб берган йўл ҳам ана шундай янги, самарали воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ мазкур пленумларнинг қарорларини, жойларда тартиб ва интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлашга, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтиришга ва ўзларига нисбатан талабчанликни оширишга қаратилган чора-тадбирларни қизғин маъқуллаб кутиб олди. Сайловолди кампанияси давомида бу янада яққол намоён бўлди. Бугун эса меҳнат аҳли ишда синалган, софдил, ташаббускор ходимларга, халқ иши учун куйдипишди кишиларгина олий ва маҳаллий ҳокимият органларига вакил бўлиб боришлари учун овоз бермоқдалар. Ўз навбатида бу Советларнинг обрўсини ва ролини янада оширши юзасидан партиямиз илгари сураётган талабларга жуда мосдир. Зотан, бу Коммунистик партия билан совет халқи ягона блоки бузилмаслигининг янги намойишидир.

ҲАММА — САЙЛОВГА!

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ МОСКВА ШАҲАР КУЙБИШЕВ САЙЛОВ ОКРУГИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИНИ ЗЎР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ЎРГАНИБ ЧИҚМОҚДАЛАР, 1985 ЙИЛГИ ТОПШИРИҚЛАРНИ ВА УМУМАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШГА, ЖОНАЖОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯМИЗНИНГ XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА АҲД ҚИЛДИЛАР.

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кеча матбуотда эълон қилинган нутқини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда экономикага, бошқарувни яхшилашга ва халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, оммaнинг ижодий ташаббусини ва сиёсий активлигини ривожлантиришга, идеология ишини такомиллаштиришга оид қимматли фикрлар бор. «Бу беш йиллик топшириқларини муносиб равишда бажариш учун — такрор айтаманки, сабот ва матонат билан, ташаббускорлик билан меҳнат қилиш керак бўлади», деган даъваткор сўзлар айни дилимиздаги гаплардир. Дарҳақиқат, ана шу вазифаларни бажариш учун омилкорлик билан иш юритишимиз, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишимиз лозим. Фан ютуқлари, комплекс механизацияни жорий этиш, ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, маҳсулот етиштиришни тинмай кўпайтириб бориш, мамлакат Озиқ-овқат программасига тобора кўпроқ ҳисса қўшиш бизнинг шарафли ва масъулиятли ишимиздир. Хўжалигимиз деҳқонлари беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида планга қўшимча равишда 3 минг тоннага яқин пахта ва минг тоннадан ортиқ шоли етиштирдилар. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми анча ўсди.

Бригадамиз коллективи пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Биз пахта етиштириш бўйича беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга эришдик. Ўтган йили мавжуд 175 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 53 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Бу йилги аҳдимиз — пахтанинг жами ҳосилини минг тоннага, ҳосилдорликни эса 60 центнерга етказишдан иборат. Биз бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун астойдил кураш олиб бормоқдамиз. Ҳозиргача ҳар гектар майдон ҳисобига 30 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб, дала бошига чиқардик. Ерларнинг шўрини ювиш қизғин олиб борилаётир. Техника кўламги дала ишларига тахт қилиб қўйилган. Жамила Собирова, Муборак Бекконова, Замира Сафарбоева, Дилором Ўрозметова каби колхозчилар дала ишларида ғайратшижоат намуналарини кўрсатишяпти.

Ўртоқ К. У. Черненко нутқида белгиланган вазифаларни оғишмай бажариш йўлида куч-ғайратимизни бундан буён ҳам аямай зарбдорчасига ишлайверамиз.

Оллам МАТКАРИМОВ,
Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери.

М. АЪЛАМОВ чизган плакат.

Фаровон ҳаёт учун

«Бизнинг қудратли индустриямиз бевосита одамларнинг фаровон ҳаёти йўлида тобора кўпроқ даражада ишламоқда»,— деди Ўртоқ К. У. Черненко Москвадаги Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ҳар бир корхонаси коллективи эл-юрт фаровонлиги йўлида йил сайин каттароқ режалар билан ишламоқда.

Яқинда машинасозларимиз «ПГХ—05» маркали ажойиб машина ишлаб чиқардилар. Бу машина пахта ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ўзи йиғиб, ўзи юклайди. Шунингдек, моноблокли гидротақсимлагичлар ишлаб чиқараётганимизга ҳам анча бўлди. Ҳозир Киев, Ковров ва Воронеж экскаватор заводлари, Одессадаги оғир крансозлик заводи коллективлари "бизнинг моноблокли гидротақсимлагичларимиздан фойдаланмоқдалар.

Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, «Мана шуларнинг ҳаммаси — бизнинг экономикамиз ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги марраси сари бораётганнинг очиқ-равшан далолат беради».

Корхонамиз машинасозлари бундан буён ҳам халқ фаровонлиги йўлида тараққиётнинг янги марралари сари дадил интилаверадилар.

Б. ШЕРМАТОВ,
Андижон машинасозлик заводининг смена мастери.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЙЎЛИДА

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг Италия китобхонларига мурожаатномаси

РИМ, 23 февраль. (ТАСС). СССРнинг Италиядаги элчихонасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Танланган мақолалар ва нутқлар» китоби билан Италия жамоатчилигини расмий равишда таништириш тантанали маросими бўлди. Италиянинг машҳур «Мондадорн» нашриёти китобни кўп нусхада босиб чиқарди.

Китоб К. У. Черненконинг Италия китобхонларига мурожаатномаси билан бошланади. Мурожаатномада бундай дейилади:

«Мондадори» нашриётининг баъзи мақолаларим ва нутқларим тўплами учун Италия китобхонларига мурожаатнома ёзиб бериш тўғрисидаги илтимосини бажонидил адо этаман. Бизнинг давлатларимиз географик жиҳатдан бир-биридан анча олис жойлашган бўлса-да, халқларимиз ўртасида муштараклик кўп. Халқларимиз жуда қадим замонларданоқ, асрлар мобайнида хилма-хил ва кенг кўламда алоқалар боғлаб келдилар ва бу алоқаларни ҳамон ривожлантирмоқдалар. Улар ўртасида бир-бирини бойитувчи мулоқотлар бўлмаган инсон фаолиятининг бирон-бир соҳасини топиш қийин. Совет кишилари билан итальянлар ўртасидаги муносабатларнинг узоқ тарихи фақат хушвақтликдангина иборат бўлмаганлигига қарамай, улар бир-бирларига нисбатан самимий хайриҳоҳлик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини сақлаб қолмоқдалар. Бу энг асосийсидир. Биз объектив сиёсий ва иқтисодий омиллар билан бир қаторда буни Совет Иттифоқи билан Италия республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг яхши негизи деб биламиз. Бу эса Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, ердаги цивилизациямизни қутқариш йўлида давлатларнинг баҳамжиҳат ҳаракат қилиши тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб турган ҳозирги пайтда, ядро асрида, айниқса, зарурдир.

Кўплаб кишилар оммаси — оддий гражданлар ҳам, шунингдек, кўпгина давлат раҳбарлари ҳам планетанинг келажаги учун ташвишланмоқдалар. Бизнинг умумий масканимиз бўлмиш Европада бу нарса, айниқса, сезилярлидир. Кўпгина Европа мамлакатларида урушга қарши намойишлар оммавий тус олганлиги тасодифий эмас. Ғарбий Европадаги бир қанча давлат арбобларининг тинчликни ёқлаб, қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги музокараларни ёқлаб, болтур ва бу йил айтган гаплари умумий манзарани тўлдиради. Италия республикасининг президенти А. Пертини тинчлика, қуролсизланишга, ҳамкорликка зўр қатъият билан даъват этаётганлиги ҳам совет кишиларида, айниқса, катта таассурот қолдирмоқда. Совет Иттифоқи «бирон бир халқ ҳеч қачон урушда бунчалик ғоят катта қурбон бермаган — 20 миллион кишисидан жудо бўлмаганлиги» тўғрисида эслатиб ўтганлиги учун биз эътиқодли антифашист А. Пертинидан миннатдормиз.

1985 йилнинг баҳорида жаҳон халқлари инсоният тарихидаги энг шафқатсиз ва қонли уруш бўлган иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллигини нишонлайдилар. Италия территориясида манфур нацист-фашистларга қарши жангларда совет кишилари ҳам ғоят бевосита иштирок этганликлари билан фахрланамиз. Итальянлар Италияни озод қилиш ишига, умумий ғалаба ишига кўпинча ўз жонини қурбон қилиш эвазига ҳисса қўшган ватандошларимизнинг хотирасини ҳурмат қилаётганликлари учун улардан миннатдормиз.

Ана шу ғалаба туфайли бундан қирқ йил муқаддам очилган йўлни кейинчалик умумевропа жараёни, деб атай бошладилар. 1975 йилда Хельсинкида ўтказилган кенгаш ана шу жараённинг ғоят муҳим босқичи бўлди. Кенгаш қитъамиз ҳаётида чуқур из қолдирди. «Совуқ уруш» тарафдорлари гўё кескинликни юмшатиш «ўлган» деб ишонтиришга қанчалик уринмасинлар, биз Хельсинки Якунловчи акти имзоланган пайтдан буён ўтган ўн йил мобайнида Европа халқлари Хельсинкини унутиш бир ёқда турсин, балки ўша ерда белгиланган йўлдан боришни давом эттириш учун тобора кўпроқ куч-ғайрат сарфлаётганликларини кўриб турибмиз.

Мен илгари айтиб ўтганимдек, яна бир бор шуни такрор айтаманки, қуролланиш пойгаси, биринчи навбатда албатта, ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга эришиш совет халқининг, совет давлат арбоблари ва партия раҳбарларининг олий мақсадидир. Бошқа томон ҳам конструктив позицияни эгаллаб, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципини қабул қилган тақдирда биз ялпи қирғин қуроли батамом тугатилгунча бўлган йўлни охиригача босиб ўтишга тайёрмиз.

Биз ленинча ташқи сиёсат принципларига амал қилиб, портлаш хавфи бўлган материал қаерда тўпланишидан қатъи назар, унга қарши курашмоқдамиз. Биз ядро қуроли қаерда бўлмасин — ерда, денгизда, осмонда ёки космосда жойлаштирилишидан қатъи назар, Европани шу қуролдан батамом ҳоли қилиш тарафдоримиз. Ўзаро қирғин потенциалини кўпайтириш ўрнига планетамизда ҳозирги ва келгуси авлодлар учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим. Чунки ер аҳолисида техника тараққиёти ривожлана борган сари тобора кўпроқ жаҳоншумул муаммолар, айниқса, экология соҳасидаги муаммолар тўпланиб қолмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал этиш борасида биргаликда ишлаш чакки бўлмас эди.

Совет кишилари тинч меҳнат билан банддирлар. Бутун мамлакатда улкан қурилишлар бўлмоқда, янги районлар, айниқса, Сибирда янги районлар комплекс ҳолда ўзлаштирилмоқда. Шу муносабат билан итальянлар тадбиркорликлари, ишбилармонликлари туфайли халқаро ҳамкорликда янги йўллар очиб, бошқаларга ўрнак бўлган пайтлар эсга тушади. Ўтмишда бу хилдаги ташаббуслар юксак даражада қадрланар эди, бундай ишлар ҳозирда ҳам нафли бўлур эди. Биз бўлсак, катта кўламдаги режаларимизни амалга оширишда Италия янада кенгроқ қатнашуви имкониятини ўрганиб чиқишга тайёрмиз. Бу гап чунончи, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг ўзигагина тааллуқли бўлиб қолмайди. Хуллас, биз Италия билан ғоят тўлақонли ва ўзаро манфаатли муносабатлар тарафдоримиз.

Пировардида итальян китобхонларининг мақола ва нутқларим тўплами билан танишувлари совет кишиларининг ҳозирги ҳаётини, уларнинг орзу-умидлари ва интилишларини яхшироқ тушуниб етишларига ёрдам беради, деб умид билдирмоқчиман.

Итальян халқига мустаҳкам тинчлик шароитларида сидқидилдан фаровонлик тилайман.

СССР элчихонасидаги маросимда Италия ташқи ишлар министри Ж. Андреотти, Италия парламентининг сенаторлари ва депутатлари, Италия Компартияси раҳбарлик органининг аъзолари, дипломатлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Маросим миллий телевидение орқали кўрсатилди.

Ж. Андреотти ўз нутқида, жумладан, совет раҳбарининг Италия китобхонларига мурожаатномаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, унга сиёсий ва дипломатик ҳужжат деб қарамоқ керак деди.

Ж. Андреотти китоб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Италияга қиладиган визити арафасида босилиб чиққанлигини айтиб, бундай деди: бу йилга биз алоҳида аҳамият берамиз. Бу йил Женевадаги учрашув билан дуруст бошланди. Кишилардан, айниқса, сиёсий арбоблардан мўъжизалар кутиб бўлмаслигини ҳаммамиз биламиз. Проблемалар қийин, кўп сабр-тоқат талаб этилади. Аммо муҳими мулоқот яна бошланганлигидан иборатдир.

«Советлар ҳамма учун очиқ, барча нарсани омманинг кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита омманинг ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, халқ оммасини ва унинг иродасини тўғридан тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир.»

В. И. ЛЕНИН.

ХАЛҚ САОДАТИ

Коммунистлар билан партиясизларнинг муносиб вакиллари учун якдиллик билан овоз берайлик!

Пешку районидаги Фрунзе номли колхозда техника ремонтига катта эътибор бериляпти. Ремонтчилар ва механизаторлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Улар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилган бўлиб, меҳнат беллашуви якунларига кўра илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Техникани бу йилги мавсумга тез ва соз тайёрлаш бўйича ўтказилган мусобақада моҳир механизатор Жўрамурод Худойқулов ғолиб деб топилди. Суратда: тракторчилар Ризоқул Яхшиев, Жўрамурод Худойқулов (ўртада) ва инженер Тўймурод Жабборовлар ремонтдан чиқарилган техника сифатини кўздан кечиришмоқда.

А. Мирзажонов фотоси [ЎзТАГ].

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

ДЕПУТАТЛАР БОШЧИЛИГИДА

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бағишланган социалистик мусобақа якунларига кўра «Ташсельмаш» заводи мусобақа ғолиби деб топилди. Корхона коллективи республика партия-ҳукуматининг эсдалик Қизил байроғи ва диплом билан тақдирланди. Бунда завод цехларида фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича проблемаларни ўз вақтида ҳал қилаётган ўн беш халқ вакилининг ҳиссаси катта. Заводда икки депутатлик группаси: ишлаб чиқариш ва маиший хизмат группалари актив фаолият кўрсатмоқда.

Депутат постлари ишини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, уларнинг активлиги ва жанговарлигини оширишда пост раҳбарларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Постларнинг ярмидан кўпига машинасоз-мутахассислар, депутат коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида бу группа ва постлар икки юздан ортиқ масалани, ишчи-хизматчиларнинг ариза, илтимосларини кўриб чиқдилар ва ҳал этдилар.

Сайлов арафасида сайловчилар наказларни бажарилганлиги тўғрисида депутатлар ҳисоботлари тингланди. Бу Советларнинг амалий фаолияти кўригидир.

Совет депутатлари ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган халқ вакилларидир. Биз ана шундай муносиб кишиларимизга давлат ишларини ишониб топширамиз. 24 февраль куни ана шундай ишчан, ажойиб фазилатларга эга, халқимизнинг энг муносиб ўғил-қизлари учун якдиллик билан овоз берамиз. Л. И. Смирнова, Л. Г. Колтунова, Н. Н. Воронов, М. Ҳайдаров, Э. Маматқулов, О. Г. Карпова, М. Х. Фазлитдинова бошчилигидаги депутат постларининг фаолияти диққатга сазовордир. Улар қуюв, механика-йиғув, пайвандлаш ва асбобсозлик цехларида катта иш олиб бордилар. Текшириш натижалари бўйича завод маъмурияти жамоат ташкилотлари ва ўртоқлик судлари билан ҳамкорликда меҳнат интизомини-мустаҳкамлаш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу нарса қувончлики, депутатлар сайловчилар наказларини бажариш билан бирга меҳнатда шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Шаҳар, район Советлари сессия ва мажлисларига масалалар тайёрлашда актив иштирок этмоқдалар.

Ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари боғча ва ясли-ларга тўлиқ жалб этилган. Санаторий-профилакторий, Сирдарёда дам олиш зонаси, Иссиқкўлда «Юбилейний» пансионати ишчиларга хизмат кўрсатмоқда. Корхона территориясида дорихона, кулинария магазини бор. Ишчилар автобусларда ишга ва уйларига элтиб қўйилади. Ҳар бир цехда душхона, қуюв цехида ҳатто «сауна» бор. Учта медпункт, аёллар учун иккита озодалик хонаси мавжуд. Лекин, шунга қарамасдан, ишчи ва хизматчиларга тегишли шароит яратиш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. «Ташсельмаш» массивида яна битта тўққиз қаватли уй-жой биноси қурилиши тугалланяпти. Спорт залини жиҳозлаш ишлари поёнига етказилди. Депутатлар заводдан уй-жой массивига ер ости ўтиш йўли қурилишини тезлаштириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Клуб қуриш тўғрисидаги масала ҳал этилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш учун ҳали анча иш қилиш даркор. Буларнинг ҳаммаси корхонада меҳнат қилаётган депутатлар назоратида.

«Шаҳар Советининг депутати, депутат пости раҳбари В. И. Василенко навбатдаги сессияда шаҳар транспорти ишини яхшилаш тўғрисидаги ташсельмашчилар фикрини баён қилди. Натижада 30, 48, 72 ва 161-автобус маршрутлари қайта кўриб чиқилди. Бундан ташқари, депутат пости таклифига кўра 2-автопарк махсус автобус ажратди ва ишчилар иккинчи сменадан автобусларда олтита маршрут бўйича элтиб қўйиладиган бўлди. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ҳам транспорт иши масаласи алоҳида таъкидланган. Шу боисдан ҳам депутатлар бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. Чунки, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ишчи ва хизматчиларга кўп жиҳатдан қандай хизмат кўрсатилаётганлигига, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари қандай қондирилаётганлигига боғлиқ.

Депутатларнинг шахсий намунаси бошқа ишчиларни ҳам илҳомлантирмоқда. Депутатлардан Л. Г. Колтунова ва О. Г. Карпова ўртоқлар беш йилликда меҳнат унумдорлигини оширишда янада юқори кўрсаткичларга эришиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини Машинасозлар кунигача бажариш ташаббусини бошлаб бердилар. Кўпгина цехлар ана шу илғор ишчиларга тенглашиш учун интилмоқдалар. Айрим бригадалар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. Корхона бўйича меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1,8 процент ошди, маҳсулот таннархи эса, 200 минг сўмга яқин камайди. Планга қўшимча 34 та пахта териш машинаси тайёрланди. Ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиляпти. Цехлардаги депутат постлари иш натижаларини якунлашда мунтазам иштирок этиб, мусобақанинг ошкоралиги тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шу кунларда корхона цехларида депутатлар бошлаган «Фидокорона меҳнатимиз — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига, партия XXVII съездига» шиори остидаги мусобақа тобора авж олмоқда.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводининг меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими катта инженери.

БИЗНИНГ СПРАВКА

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДАГИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ИЛЛИГИ ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБИ ДЕБ ТОПИЛДИ, ЭСДАЛИК ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ВА ДИПЛОМ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

МИННАТДОРМАН

Мен жуда бахтиёрман. Чунки Советлар диёрида яшайман, сайлаш, сайланиш ҳуқуқига эгаман. Мана, иккинчи марта овоз бермоқдаман. Мамлакатимизда ҳар бир киши алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Бахтли яшаш, илм олиш, меҳнат қилиш учун барча шароит муҳайё. Бунинг учун партия ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдорман.

Районимиздаги Ҳамза номли мактабда ўқитувчилик қиламан. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг ўзи менга олам-олам қувонч бахш этади. Ёш авлодни ҳақиқий коммунизм қурувчиси қилиб тарбиялашдек олижаноб ва фахрли ишга ўз меҳнатим билан озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Бугун, коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари — халқимизнинг меҳнатда тобланган, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган энг асл фарзандлари учун сидқидилдан овоз бераман.

Зулайҳо ЖУМАЕВА,
Ғузор районидаги Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси.

ЯКДИЛЛИК

Коммунистик партия давлатни бошқаришда кенг меҳнаткашлар оммасининг иштирокига доимо катта эътибор бериб келмоқда. Советларга бўладиган сайловларда халқимизнинг меҳнатда синалган, ташаббускор, тадбиркор вакиллари сайланаётир. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли меҳнаткашларнинг фаровонлиги ортиб, турмуш шароитида тобора яхшиланиб бормоқда. Буни биз яшаб, меҳнат қилаётган Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози мисолида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқларимизга водопровод, газ ўтказилган. Типовой мактаблар, болалар боғчалари, клуб, поликлиника ишлаб турибди. Кўчаларимиз асфальтланган. Меҳнат аҳли замонавий уйларда истиқомат қилмоқда. Депутатларнинг ташаббуси билан янгича анъаналар, урф-одатлар турмушимизга тобора сингиб бормоқда.

Мен узоқ йиллар мобайнида колхоз фермасида ишладим. Ҳалол меҳнатим туфайли обрў орттирдим. Сафимизда ўз ишини жон-дилидан севадиган, фаровонлик йўлида ҳалол ишлаш билан бирга бошқалар ҳақида қайғурадиган жонкуяр чорвадорлар кўпайди. Шогирдим Бувиҳол Норқулова шулардан биридир.

Ҳамқишлоқлари Бувиҳол Норқуловани 112-эски Тошкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига номзод қилиб кўрсатишган. Биз, чорвадорлар коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун, хусусан касбдошимиз учун якдиллик билан овоз берамиз.

Салтанат ФАИЗУЛЛАЕВА,
Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг ветеран сут соғувчиси.

КАТТА ҒАМХЎРЛИК

1980 йилнинг январь ойида Андижон районида Карл Маркс номли янги совхоз тузилди. Хартум қишлоқ Совети территориясида яшовчилар бу воқеага партия ва ҳукуматимизнинг жуда катта ғамхўрлиги деб баҳо бердилар. Чунки, Дзержинский номли, «Правда», Карл Маркс номли колхозлар экономикаси ночор аҳволга тушиб қолган, ҳосилдорлик пасайиб кетган эди.

Янги совхоз замонавий қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминланди. Совхоз ишчилари ҳам ҳар қачонгидан унумлироқ меҳнат қила бошладилар. Ўтган йили совхозимизда 100 тонна сифатли пилла етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектар ҳисобига 33 центнердан ошди.

Совхоз ташкил этилгач, қурилиш ишлари ҳам авж олиб кетди. Равон йўллар қурилиб асфальт ётқизилмоқда. Янги савдо маркази, уй-жойлар қад кўтаряпти.

Хартум қишлоқ Совети территориясидаги меҳнаткашлар бугун сайлов участкаларига миннатдорчилик туйғулари билан келадилар, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки номзодлари учун якдиллик билан овоз берадилар.

Д. ЎРИНБОЕВА.

ПАРТИЯ ДАЪВАТИГА ЖАВОБАН

ЧЎЛ ЎРНИДА БОҒЛАР

Партия кўрсатмаси, халқ иродаси билан чўллар бўстонга айланяпти, дашт ўрнида боғлар барпо этиляпти. Бўзатов районининг тараққиёти бунга жуда яхши мисолдир. Бу ёрда 4 минг гектар янги ер очилди, 8500 гектардан зиёд майдонлар лиман усулида ўзлаштирилди. Бир вақтлар бўш ётган бу ерлар эндиликда халққа саховатини очмоқда.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети ана шу ерлар комплекс ўзлаштирилишига жиддий эътибор бермоқда. Натижада район қиёфаси тубдан ўзгарди, хўжаликларнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Кейинги йилларда 48 минг квадрат метр уй-жой, 2 та ўн йиллик мактаб, 105 ўринли касалхона биноси, район марказида автомат телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Аспантай» совхозини телефонлаштириш бўйича қизғин иш олиб бориляпти. Янги Бўзатов канали «Пўрлитов» совхозига, Шўртанбой канали «Еркиндарё» совхозига етказилди. Еркиндарё ва Абатжармис каналлари реконструкция қилинди, 106 километр йўл қурилиб, унинг 84 километри асфальтланди. Совхоз марказларида уй-жой, ишлаб чиқариш объектларининг бинолари қад кўтармоқда.

Район меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили ичида давлатга пахта, сут, тухум, қоракўл тери, жун, полиз ва сабзавот маҳсулотлари ҳамда мева сотиш планларини ошириб бажардилар. Юбилей йилида давлатга 6500 тонна пахта, 2505 тонна гўшт, 520 тонна сут, 280 минг дона тухум сотилди.

Жамоат чорвасининг бош сонини кўпайтириш плани ҳам 105 процент бажарилди. 8984 та бузоқ олинди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда «Қозонкетган» совхози маъмурияти, район Совети депутатларидан Абдуллаев, Қўшмуханбетов ва бошқа ўртоқларнинг ҳиссаси катта.

Район Совети депутатларининг кўпчилиги бевосита қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасида меҳнат қилиб, чорва моллар сонини кўпайтириш, кўплаб гўшт етиштириш ва мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришда фаол иштирок этишяпти. Район Советининг депутати Ҳамза Қурбошевнинг ҳар юз бош молдан 100 тадан бузоқ олиш ювасидан кўтарган ташаббуси район Совети ижроия комитети томонидан қизғин маъқулланди. Бу ташаббус меҳнаткашлар оммаси орасида кенг муҳокама қилинди. Натижада ушбу ташаббусга 50 дан зиёд молбоқар қўшилди. Депутатлардан Ҳ. Қурбошев, Б. Жамолов, П. Саймуханов. Д. Қонёзев ва бошқа илғор молбоқарлар ҳар юз бош сигирдан 95—100 тадан бузоқ олиб, планни ошириб бажардилар.

«Қорақалпоқ», «Аспантай» совхозлари марказида ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Қозонкетган» совхози марказида 90 ўринли болалар боғчаси, район марказида ёзги клуб ва 50 ўринли юқумли касалликларни даволаш бўлимининг бинолари қурилди. «Пўрлитов» совхози марказида бошланган 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Район меҳнаткашлари партиямизнинг бўлажак XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Район Совети хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни кучайтириб, КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираверади. Белгиланган план ва режаларни бажариш учун барча имкониятларни ишга солади.

У. ТЛЕУМУРАТОВ,
халқ депутатлари Бўзатов район Совети ижроия комитетининг раиси.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

● **Бундан беш йил муқаддам республика Советлари ижро учун 86216 наказни қабул қилган эди. 1985 йилнинг 1 январига қадар 81632 наказ бажарилди.**

● **Республика Советларига бўлиб ўтган аввалги сайловлардан кейинги вақт ичида экономикани ривожлантиришда, социал-сиёсий вазифаларни ҳал этишда, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда олға томон катта қадам ташланди. 1981-1984 йиллар ичида ялпи ижтимоий маҳсулот 14,8 процент ошди ва 1984 йилда 39,3 миллиард сўмга етди, ишлаб чиқарилган миллий даромад эса 15,9 процент кўпайиб, 18,7 миллиард сўмни ташкил этди.**

● **Сайловдан сайловгача бўлган даврда — ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида кўп тармоқли саноат юксак суръатлар билан ривожланди. Унинг ялпи маҳсулоти 17,7 процент кўпайиб, 1984 йилда 20,8 миллиард сўмга етди. Шу вақт ичида пландан ташқари 916 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.**

● **Сайловдан сайловгача ўтган даврда мобайнида 26,9 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Кўпгина муҳим қувватлар ва объектлар ишга туширилди. Умумий майдони 23 миллион 97 минг квадрат метр уй-жой, 554,7 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 120,87 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассаси, 16,52 минг ўринли касалхоналар ҳамда социал-маиший мақсадлардаги бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.**

ГЕНИАЛ АСАР

«Коммунистик партия манифести» эълон қилинганлигининг 137 йиллигига

Пролетариатнинг буюк доҳийлари Карл Маркс ва Фридрих Энгельс томонидан ёзилган «Коммунистик партия манифести» эълон қилинганига 137 йил тўлди. Ушандан буён дунёнинг барча қитъаларида ғоят чуқур социал ўзгаришлар, революцион портлашлар юз берди ва юз бермоқда. Бу революцион жараён тобора кучайиб, унинг қудратли садолари капитализм дунёсини қаттиқ ларзага келтирмоқда.

«Коммунистик партия манифести»да пролетариатнинг революцион ҳаракатини авж олдиришда Коммунистик партиянинг софлиги учун кураш, коммунистларнинг ҳар хил оппозицион партияларга муносабати ва Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли кўрсатиб берилган. **«Коммунистлар,** — деб ёзишган эди К. Маркс ва Ф. Энгельс, — **ишчилар синфининг энг қатъиятли, илғор қисмидир, уларнинг бошқа ишчилардан афзаллиги шундаки, улар пролетар ҳаракатининг шарт-шароити қандай кечишини ва унинг умумий натижаларини тушунишларига имкон берувчи революцион назария билан қуроллангандирлар».** Коммунистлар, миллатларидан қатъи назар, ишчиларнинг муштарак манфаатларини ҳимоя қиладилар. Улар изчил пролетар интернационализмининг ҳимоячиларидирлар. Ишчилар синфи курашининг ҳамма босқичларида коммунистлар пролетариатнинг умумий, туб манфаатларига, ҳар қандай эксплуатацияни тугатиш вазифасига амал қиладилар.

Коммунистлар ҳаракатининг пролетариатни бир синф қилиб уюштириш, буржуазия ҳукмронлигини ағдариш, сиёсий ҳокимиятни пролетариат қўлига олишдан иборат уч асосий мақсади «Манифест»да аниқ баён қилиб берилган. Коммунистлар амалга ошириши керак бўлган программа, улар ҳимоя қилиб келаётган принциплар ва ғоялар шунчаки хонаки мулоҳазалар натижаси эмас, балки мавжуд синфий кураш ҳақиқий муносабатларининг, кўз ўнгимизда бўлиб турган тарихий ҳаракатнинг ифодасидир.

«Манифест»да коммунистларнинг программаси таърифлаб берилиб, ўша вақтда мавжуд бўлган, пролетариат орасида илмий коммунизм ғояларининг кенг ёйилишига, пролетар партиясининг тузилишига тўсқинлик қилган турли социалистик оқимлар кенг ва асосли танқид қилинган. Бу оқимлар зararли эканлигини тушунтириб, К. Маркс билан Ф. Энгельс, уларнинг синфий моҳиятини очиб ташладилар. Асарда социалистик ва коммунистик адабиётлар чуқур илмий таҳлил қилинган бўлиб, фақат илмий коммунизм — пролетариат революцион назариясининг келажаги порлоқ эканлиги исботлаб берилди.

Асар муаллифлари пролетар партияси тактикасининг назарий асосларини ҳам белгилаб бердилар. Бу ғоялар қуйидаги сўзларда ўз ифодасини топган: **«Коммунистлар ишчилар синфининг энг яхши мақсад ва манфаатлари йўлида курашадилар, аммо айни замонда улар бугунги кундаги ҳаракатда ҳам унинг келажагини ҳимоя қиладилар».** Коммунистлар реакцион ижтимоий ва сиёсий тузумга қарши қаратилган ҳар қандай прогрессив, революцион ҳаракатни қўллаб-қувватлайдилар. Улар ўз мақсадларини ҳеч кимдан ва ҳеч қачон яширмайдилар, чунки келажак коммунизмникидир. «Коммунистик партия манифести»да капитализмни ағдариб ташлашга, пролетар революциясига даъват этувчи қуйидаги сўзлар битилган:

«Ҳукмрон синфлар Коммунистик революциядан қўрқиб титрасинлар. Пролетарлар бу революцияда ўз кишанларидан бошқа ҳеч нарсани йўқотмайдилар. Аксинча, улар бутун дунёга эга бўладилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!».

«Коммунистик партия манифести» нашр этилгандан буён ўтган йиллар унинг илмий ғоялари ҳаққониий, ҳаётий ва тўғри эканлигини янгидан янги далиллар билан исботлади. Асар жаҳон сиёсий адабиётининг энг оммавий нашрларидан биридир. Уни ҳозир ер курасидаги юздан ортиқ халқ ва миллат ўз тилида ўқимоқда ва ўтган давр ичида 1300 марта нашр этилди. «Манифест» ўзбек тилида 1925 йилдан бери 18 марта чоп қилинди. Бу ҳол унда баён этилган ғоялар катта жозиба кучига эга эканлигини ва жаҳон революцион ҳаракатига ижобий таъсир этаётганлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

Прогрессив илмий тафаккур яратган барча яхши билимларнинг қонуний вориси бўлган К. Маркс ва Ф. Энгельс асари философияда, сиёсий иқтисодда, социалистик фикр ривожида чинакам революцион бурилиш ясади. В. И. Ленин ва у яратган большевиклар партияси марксизм ғояларига амал қилиб, дунёнинг социал-сиёсий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган биринчи ғолибона социалистик революцияга бошчилик қилдилар. Октябрь социалистик революцияси эса XX асрнинг асосий воқеаси бўлди. Бу билан янги давр—ишчилар синфи, халқ оммаси улкан ва зафарлари ва тарихий ғалабалари даври бошланди. «Манифест»да баён этилган илмий социализм эндиликда янги жамият қураётган миллион-миллион меҳнат кишиларининг жонли практикаси билан бир бўлиб қўшилиб кетди.

СССРда ривожланган социалистик жамиятнинг қурилиши марксизм-ленинизм ғояларининг тантанасидир. СССРнинг ривожланган социализм босқичига кириши кўп миллатли мамлакатимиз меҳнаткашларининг иқтисодий ва социал-маънавий ривожланишда эришаётган ва эришадиган муваффақиятларининг гаровидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида кўрсатиб ўтилганидек, Коммунистик партия ривожланган социализмни такомиллаштириш учун кураш олиб бормоқда. Халқ хўжалигида сифат ўзгаришлари ясаш, экономикани интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ўстириш, планлаштиришни яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларга талабчанликни ошириш, кишилар онгидаги ўтмиш қолдиқларига, миллатчилик ва шовинизмга қарши кураш ва бошқалар шу куннинг муҳим вазифаларидир.

Совет халқи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бизнинг социалистик Ватанимиз барқ уриб ривожланаётган бир пайтда капитализм дунёсининг ҳамроҳи — кризислар тобора авж олмоқда, ишсизлар сони кўпаймоқда. Капитализмнинг нотекис ривожланиш қонуни тўғрилигининг тасдиғи сифатида АҚШ, Япония, Франция, Италия, Англия, ГФР ўртасидаги қарама-қаршиликлар, бозор учун кураш кескинлашиб кетди. Капитализм ривожланаётган мамлакатларга қарз бериш йўли билан уларнинг халқ хўжалиги бойликларини таламоқда. Бу эса капитализмга қарши халқ нафратини кучайтирмоқда.

Лекин, дунё тараққиёти Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатган йўлдан, «Манифест» кўрсатган йўлдан дадил олға бормоқда. 1917 йилда дунёдаги коммунистлар сони 300 минга яқин кишини ташкил этган бўлса, эндиликда уларнинг сони 60 миллионга етди. Улар турли мамлакатларда ташкил топган 90 та коммунистик партия аъзоларидир. Жаҳон коммунистик ҳаракати давримизнинг энг таъсирчан сиёсий кучига айланди, ижтимоий тараққиётнинг ғоят муҳим омили бўлиб қолди. Коммунистик партиялар ўзларининг назарий ва амалий фаолиятларида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»да баён этилган ғояларига оғишмай амал қилмоқдалар ва амал қилаверадилар. В. И. Ленин айтганидек: **«Бу кичкина китобча бир қанча томларга арзийди: бу китобча маданий дунёнинг уюшган ва курашаётган пролетариатини то ҳозиргача руҳлантириб ва ҳаракатлантириб келмоқда».**

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

• Халқ депутатлари Советларига сайлов — ҳамиша мамлакатимиз ҳаётидаги тантанали воқеадир. Бу чиндан ҳам тантана — социалистик демократиянинг, давлатни бошқаришда миллион-миллион меҳнаткашларнинг реал тарзда, кенг, манфаатдорлик билан қатнашишини амалда таъминлайдиган демократиянинг тантанасидир.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

[МОСКВА ШАҲАР КУЙБИШЕВ САЙЛОВ ОКРУГИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚДАН].

ПУБЛИЦИСТИКА

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

САДОҚАТ

ТАЪБ РАВШАН БЎЛСА, табиат ҳам кулиб боқади. Феъл кенг бўлса, тор кулбанг кошонага айланади. Меҳрингни аяма, оқибат кўрасан, меҳринг товланган сари меҳрибонинг кўпаяди. Онгимизга, қонқонимизга сингиб кетган удум бу: дарвозаларимизни тонг саҳарда супириб-сидириб, ланг очиб қўямиз — меҳмон маҳтал бўлиб қолмасин. Меҳмон келса бахт келади, барака келади. Топганинг тўйга буюрсин, дейишади қариялар. Тўй-томошалар орзумандимиз азалдан. Бу анъаналар, инсоний туйғулар ва удумлар ҳаётимизнинг зийнатидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ер юзида улуғ, бахтиёр оилани барпо этди, миллатлар бирлиги ва қардошлигини қарор топтирди. Халқларимизнинг ленинча миллий дўстлиги тантанаси дунё аҳлини ўзига мафтун этиб турибди.

Биз ана шу дўстликнинг ҳақиқий, ҳалол меросхўрларимиз. Нимагаки эришган ва эришаётган бўлсак, ана шу дўстликдан топганмиз, топаётирмиз. Биз бу дўстликка таъзим қиламиз. Бу дўстликни мустаҳкамлаш баробарида унга гард юқтирмаймиз, пок сақлаймиз. Башарият тарихида биринчи бўлиб улуғ доҳиймиз қовуштирган ва революцион курашларда чиниққан, жангларда тобланган бу дўстликка ҳамиша содиқ қоламиз.

Бу субҳидам осмон мусаффолиги, кўклам нафаси уфуриб турган ҳаво беғуборлиги, кўнгил шодлиги, ҳар бир хонадонда, ҳар кўча, маҳалладаги тантанавор кайфият бари, бари ўзгача, руҳи, мазмуни ўзгача — байрамона. Бу ҳам Октябрь шарофатидан. Инсоният тарихида биринчи марта бизнинг мамлакатимизда чинакам социалистик демократия ўрнатилганлиги ва кенг ривож топганлиги Октябрнинг ғоят буюк ғалабасидир. Ҳар бир совет гражданига давлат масалаларини бамаслаҳат муҳокама қилиш, ҳал этишда бевосита қатнашиш, халқ ҳокимияти органлари составига — Олий Советлар, маҳаллий Советлар депутатлигига сайланиш ва сайлаш ҳуқуқи берилганлиги чинакам социалистик демократиянинг ёрқин намойишидир. Советлар «Ҳамма учун очиқ, барча нарсани омманинг кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита омманинг ўзидан келиб чиқадиган ҳокимият, — деган эди В. И. Ленин, — халқ оммасини ва унинг иродасини тўғридан тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир».

Бугун, сайловлар кунида мамуният билан шуни айта оламизки, совет кишилари сайловларга ҳозирлик даврида КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор бутун жаҳонга намойиш қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко яқдиллик билан умумхалқнинг биринчи номзоди қилиб кўрсатилиши совет кишиларининг партияга чексиз садоқатлари изҳори бўлди. Ўртоқ К. У. Черненконинг илмий коммунизм назариясига катта ҳисса бўлиб қўшилган «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асари худди шу муаззам кунларда, сайловларга тайёргарлик кунларида қўлимизга тегиши сиёсий-маънавий ҳаётимизда катта воқеага айланди. Бу асар келажак ҳаётимиз, фаолиятимизнинг дастуриламалидир.

САЙЛОВЛАР ШАРОФАТИ билан ҳукм сураётган бугунги байрамона кайфият, тантанаворликнинг бариси аслида қирқ йиллик тинч, осойишта ҳаётимиз, баракали меҳнатимиз, ижодимиздан, маъмурчилигимиз, қодир Ватанимиз, эртаҳи кундан кўнглимиз тўқлигидан, эзгу ниятимиз поклигидан, орзу-ҳавасимиз бир оламлигидан. Барча қардошларимиз, кўпмиллатли совет халқи, чоракам уч юз миллиондан ошиқ нуфусли мамлакат ҳаётида бу кун анъанавий шодиёна — Сайловлар куни. Ватанимизнинг энг асл фарзандлари — ўзимиз билган, синаб кўрган, эл-парвар кишиларимизни, коллектив ҳурматини қозонган, халққа, Коммунистик партиямизга садоқатини намоён қилган ўғил-қизларимизни Советларга сайлаймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва республика маҳаллий Советларига кўрсатилган 105 мингдан зиёд номзод аҳоли барча қатламларининг муносиб вакилларидир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввара Исҳоқова республикамиз қишлоқ хўжалигининг фахридир. Колхозчилар уни бу гал ҳам — олтинчи марта депутатликка номзод қилиб кўрсатишди. Оддий ўзбек аёли, тўрт фарзанднинг онаси 25 йилдан бери «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози фермасида сут соғувчилик қилади. Юз бош сигирнинг ҳар биридан йилига олти минг килограммдан сут соғиб олади. Давлат аҳамиятига молик масала муҳокамасида ҳам, сайловчилар билан қилган суҳбатларида ҳам, адабиётимиз ҳақида фикр юритиб, замонамизнинг муносиб қаҳрамонлари образини яратиш талабини қўйганда ҳам кўз ўнгимда халқ манфаати, юрт ташвиши билан яшаб, меҳнат қилаётган жонкуяр, ғамхўр, садоқатли халқ вакилининг салобатли сиймоси намоён бўлади.

Республикамизнинг йирик корхоналаридан бири — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг самолётсоз устаси, йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрилла Маннопов, Қорақалпоғистондаги Димитров номли совхознинг чўпони Қаршиға Кенжабоев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, соҳибкор-боғбон, олим Маҳмуд Мирзаев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шоираси Зулфия, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари Мақсудали Ҳайдаров, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт-учувчи Владимир Александрович Жонибеков, Қўқон локомотив депосининг электр пайвандловчиси Алексей Григорьевич Кузькин сингари халқимизнинг садоқатли фарзандлари, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларидир...

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ афзалликлари ҳақида гап борганида капиталистик мамлакатлардаги аҳволни кўздан кечириш кифоя. Давлат ҳокимиятига мамлакатнинг моддий бойликларини ўзларининг қадоқ қўллари, пешона терлари билан яратадиган ишчи, деҳқонлар раҳбарлик қиладиган биронта капиталистик мамлакат йўқ бўлиши мумкин ҳам эмас. Буржуа парламентлари составига, одатда мулкдор синфларнинг вакиллари, уларнинг йўл-йўриғидан борувчи ва манфаатларини ифода этувчи вакилларгина сайланади. Фақат социалистик демократия шароитидагина ҳокимият ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар қўлида бўлади.

Бу йилги сайловлар КПСС XXVII съездига актив тайёргарлик олиб борилаётган, Улуғ Ватан урушида эришилган Буюк Ғалабанинг шонли 40 йиллигини нишонлаш, стахановчилик ҳаракатининг эллик йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик қўрилаётган улуғ айём кунларида ўтаётганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Таомилга кўра сайлов кунлари одатда икки сайлов орасидаги давр, босиб ўтган йўлимизни, унинг кўрки-жамолини, салмоғини, бу йиллар халқимизнинг моддий, маънавий талаб-эҳтиёжларига, мамлакатимиз куч-қудратини мустаҳкамлашга қай даражада хизмат кўрсатганини сарҳисоб қиламиз. Аввалги сайловдан буён ўтган давр ичида республикамиз экономикасида, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, социал-сиёсий вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Энг муҳими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми социалистик жамият табиатига ёт бўлган жиддий камчиликлар ва салбий ҳодисаларни очиб ташлади. Республика меҳнаткашлари пленум қабул қилган қарорларни маъқуллаб кутиб олдилар ва бу қарорларни изчил бажариш, республикадаги аҳволни соғломлаштириш учун кескин курашни авж олдириб юбордилар.

Республикамиз қардошлар оиласида эришаётган тараққиёт озод халқ меҳнатининг, социалистик демократиянинг самараси, Совет ҳокимияти, КПСС доно миллий сиёсатининг амалга оширилиши самарасидир.

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР... Ҳаётимизнинг бу ажиб анъанасига шунчалик одатланиб қолганмизки, ҳар галги сайлов бошланганидан якунларини эшитгунимизга қадар ўтган ойлар, ҳафталар, кунларнинг ҳар бири нимаси биландир — меҳнат совғасими, ихтиросими, янги ташаббусими, самовий парвозими, агитпунктдаги суҳбатми, маҳалладаги концертми, пири-бадавлат қарияларимиз, кекса коммунистлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари-ю, келажагимиз бўлган ёш авлод билан учрашувми — булар бари оддий кундалик ҳаётимизнинг воқеасидай кечади. Аммо мазмуни, маъзи теран бўлади. Сайловга тайёргарлик кунлари халқимизнинг коммунистлар партияси билан мустаҳкам бирлигини, қардошлар аҳиллигини, совет демократиясининг тантанаси, ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги фаолиятмизни намойиш қилиб кўрсатадиган, совет кишиларининг Ватанга, Коммунистик партиямизга меҳри, садоқатининг ёрқин тимсоли бўлади.

Ҳозир биз, айниқса, ёшларимиз Советларга сайловларнинг тантанавор ўтишига, байрам тусини олишига одатланиб қолганмиз, бошқача бўлишини тасаввур қилолмаймиз. Аммо умрида бундай ҳақ-ҳуқуқни, дориламон эркни, миллати, мазҳаби, жинси, мавқеи, касб-корига қарамай сайлаш-сайланиш ҳуқуқига эга бўлишни, бу ишларнинг ҳаммасига партиянинг раҳбарлик қилишини биринчи бор кўрган, шунчалик инсоний ҳурматга эришган ота-боболаримиз том маънодаги демократик биринчи сайловни бундан салкам эллик йил муқаддам СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловни қандай кутиб олганларини, ўтказганларини бир эслаб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмас.

Аввало, сайловга тайёргарликкинг ҳар бир куни худди ҳозиргидек бири-биридан мазмунли, баракали, кўтаринки руҳда, янги-янги хушхабарлар, меҳнат зафарлари, ҳаётимизнинг барча тармоқларида қилинаётган ишлар билан бойиб борарди. Моддий бойлик, меҳнат совғаларигина эмас, ана шу кунлар совет кишиларининг маънавиятида бамисоли бир дорилфунун эди. Ёшу қари, эркагу аёл анэ шу дорилфунундан таълим оларди, кун сайин сиёсий онги, тушунчаси, дунёқараши, маданияти ўсиб борарди, оқибат-натижада сиёсий фаоллик, ижтимоий бурч, партия билан халқ бирлиги қарор топди. Сайловлар куни бу бирлик ўзининг ифодасини намоён қилди.

Сайлов кунининг руҳи, сайловчиларнинг кайфияти, умуман ўша умумхалқ байрамини сўз билан ифодалаб бериш қийин. Одамлар тонг саҳардан байрамона ясаниб сайлов участкасига йўл олишарди. Шуниси диққатга сазоворки, овоз берамиз, деб тонг палласида сайлов участкасига келганларнинг аксари нуроний боболар, момолар, кўпни кўрган, аммо бунчалик инсоний эркинлик, ҳақ-ҳуқуқ, жамиятда одамнинг қадри нималигини билмаган, ҳаётларида биринчи марта бундай шараф ва ҳурмат кўрган қариялар эди. Улар қувончдан кўзларига ёш олиб, тўлқинланиб гапирганларини кўрганман. Сайловдан мамнун эканликларини — «биз Олий Советни ўзимиз сайладик, шу кунларни кўрадиган замон бор экан-ку, партияга раҳмат», деб изҳор этишарди.

Бутун борлиқни карнай-сурнай, ноғора, чилдирма-ю, радиодан берилаётган концертлар, граммофон карнайидан чиқаётган куй-қўшиқ садолари тутган, сайлов участкаларида, клуб, қизил чойхоналарда ҳаваскор санъаткорларнинг концертлари. Бу — умумхалқ шодиёнаси, социалистик демократия, партия билан халқнинг метиндек мустаҳкам блоки, Ватанга, партияга садоқати тантанаси эди. Шунингдек, Советларга сайловлар куни мамлакатимиз халқларининг янгича: ҳам миллий, ҳам интернационал дўстлик байрами, анъанавий шодиёнаси бўлиб қолди. Бугун ана шундай кун! Азизлар, шодиёнангиз муборак бўлсин!

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР

● Ҳозир республикамизда 9 мингтадан кўпроқ умумий таълим мактаби бўлиб, уларда 4,5 миллионга яқин ўғил-қиз таълим олмоқда. 590 та ҳунар-техника билим юртида 260 минг ўқувчи ихтисос ўрганмоқда.

● Ўзбекистонда 43 та олий ва 248 та ўрта махсус ўқув юрти бўлиб, уларда 560 минг йигит-қиз таълим олмоқда.

● Республика Фанлар академиясининг ўзида 37 та илмий муассаса бор. Уларда 4 минг илмий ходим ишлаб турибди.

● Ўзбекистонда 30 та театр, 8 та филармония, 6 мингта киноустановка, қарийб 12 мингта клуб муассасаси ва оммавий кутубхона бор.

● Республикада 288 та газета, 83 та журнал ва бошқа вақтли нашрлар СССР халқларининг кўпгина тилларида оммавий нусхада нашр этилмоқда.

◆ «Буюртмаларни телефон орқали қабул қиламиз ва уни тезда етказиб берамиз» — Уйчи районидаги Машад қишлоғида жойлашган 39-дорихона ходимларининг шиори ана шундай. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган ёрдам ҳам эътиборга лойиқдир. Дорихона коллективи намунали хизмати учун Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Суратда: дори тайёрловчи Назрулла Юнусов иш устида.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

Андижон районидаги Охунбобоев номли совхозининг Усмонали Қурбонов бошлиқ бригадаси аъзолари омилкорлик билан иш юритиб, йил сайин мўл-кўл сабзавот етиштиришга эришмоқдалар. Ўтган йили бир ярим йиллик план миқдорида маҳсулот тайёрлаган миришкорлар бу йилги ҳосилга ҳам пухта замин яратдилар. Далалар шудгорланиб экишга тайёрлаб қўйилган. Айни кунларда бригада аъзолари карам, помидор, бодринг кўчатларини тайёрлашяпти. Суратда: бригаданинг илғор сабзавоткорларидан Зарифа Болтабоева ва Маъмура Сатторовалар.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

Ветеран мактуби

КАТТА БАХТ

1921 йил қийинчиликларини тарихдан яхши биламиз. Ўша оғир шароитда ҳам Коммунистик партия болаларга ғамхўрликни биринчи даражали вазифа деб ҳисоблади. Бевосита Владимир Ильич Ленин раҳбарлигида, унинг сафдошлари Ф. Дзержинский, А. Луначарский ёрдамида етим болаларга бошпана бериш, уларни боқиш, кийинтириш ишлари бошланди.

Етти йилни болалар уйларида ўтказдим. 1924 йилда Қозон шаҳридан уч вагон бола Тошкентга келтирилди. Бу ерда тарбияланаётган ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик болалари қаторига Волга бўйидан келган бизлар — рус, татар, чуваш, мордва болалари қўшилдик, ўзбек педагоглар қўлида тарбия олдик.

Ўша йили болаларнинг бир гуруҳи Қарши шаҳрига юборилди. Россияда очарчиликда, қаҳратон совуқда яшаган етим болалар учун Ўзбекистон жаннатдек туюларди. Қарши болалар уйида 200 га яқин бола тошкентлик И. Ҳидоятов, А. Одилхўжаев, Б. Рўзибоев, Нортожи Ҳидоятовлар қўлида тарбияландик. Сафимиздан педагоглар, врачлар, инженерлар, олимлар етишиб чиқди.

Ўзбек халқи кўнгли кенг, меҳмондўст халқ. Биз буни сағирлигимиздан биламиз. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам Ўзбекистон минглаб етимларнинг бошини силади, тарбиялади, воғга етказди.

Мени уруш ва меҳнат ветерани сифатида ҳамма ҳурмат қилади. 19 невара ва 2 чеваранинг бобосиман. Болаларимгина эмас, невараларим ҳам ўрта ва олий маълумотли, уларни халққа, партияга ҳалол хизмат қилишга ўргатдим.

Бу — бир етимнинг Совет ҳокимияти йилларидаги қисмати ҳақида ҳикоя. Минглаб кишиларнинг тақдири ҳам шунга ўхшашдир.

Воғиз САГАДИЕВ,
Қарши шаҳри.

МАҲСУЛДОРЛИК ОШМОҚДА

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ангор районидаги «Таллимарон» совхозининг меҳнатчилари ипак пахта усталари сифатидагина эмас, балки мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўляптилар. Эришилган муваффақиятлар учун хўжалик чорвадорлари 1984 йилда республика ва область социалистик мусобақасининг ғолиби бўлдилар. Бу йил ҳам илғор ферма ходимларининг иши авжида. Улар қиш фаслида ҳам чорва маҳсулотлари етиштиришни сира сусайтирмаяптилар. Жумладан, ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 1985 йил январида ҳар бош соғин сигир ҳисобига 6 килограмм кўп сут соғиб олинди.

Совхоз фермасининг коллективи ўтган йили давлатга 950 тонна сут, 27 тонна гўшт топширган бўлсалар, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган ва КПСС XXVII съездига актив ҳозирлик кўрилаётган 1985 йилда камида 1000 тонна серқаймоқ сут ва 30 тонна семиз гўшт тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

* * *

Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз бўрдоқибоқарлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловни катта меҳнат ғалабаси билан кутиб олдилар. Давлатга пландаги 43 тонна ўрнига 46 тонна гўшт сотилиб, бу борадаги ярим йиллик план муддатидан илгари адо этилди. Шунингдек, райондаги Энгельс номли колхоз бўрдоқибоқарлари ҳам гўшт тайёрлаш бўйича квартал планини бажаришди.

Т. ТУҚЛИБОЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1984 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ҚЎРИҚ ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Сирдарё областининг янги ерлари яна қўриқ забткорларига қучоқ очмоқда, жасур ўғлонлар, қалби олов қиз-жувонларни ўз бағрига чорламоқда. Фарғона областининг ҳиммати баланд марди-майдонлари ўзларининг қадрдон далалари, обод шаҳар ва қишлоқларини қолдириб, партия ва ҳукуматимизнинг даъватига жавобан Сирдарё қўриғининг оғир ва камҳосилли зоналарига кўчиб келмоқдалар. Хўш, қўриқ забткорларининг янги авлодлари қўриқ бағрида қандай кутиб олинмоқда, улар учун дастлабки пайтларда қандай шароитлар яратилмоқда, уларнинг иш кунлари нималардан бошланмоқда? «Совет Ўзбекистони» мухбири халқ депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси Иброҳим Ўролович ҚЎЧҚОРОВдан ана шулар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида қўриқ воҳа меҳнаткашларининг айни дилидаги гаплар кўтариб чиқилди, — дейди ўртоқ И. Ў. Қўчқоров. — Чунки ҳозирги кунларда ерлардан унумли фойдаланиш, суғориладиган май донларнинг самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Мирзачўл шароитида, айниқса, муҳим ва ҳаётий масалалардандир.

Биргина мисол. Областимизнинг қўриқ Ильич, Оқолтин, Ховос, Комсомол районларида ҳалигача далада ишлайдиган ҳар киши ҳисобига ўрта ҳисобда 6—7 гектардан ер тўғри келмоқда. Меҳнатобод районида эса бу кўрсаткич янада юқори, яъни 15—20 гектарни ташкил этади. Албатта бундай шароитда экинзорлардан унумли фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш осон эмас. Шунинг учун ҳам бизларга ёрдам қўлини чўзаётган фарғоналик мусобақадошларимизнинг бу йилги ташаббусларидан ғоят миннатдормиз.

— Фарғона ва Сирдарё области меҳнаткашларининг ўзаро ҳамкорликлари тўғрисида яна нима айта оласиз?

— Бу ҳамкорликнинг тарихи узоқларга бориб тақалади. Мирзачўл қўриғини ўзлаштириш, унинг экономикасини юксалтириб, обод ва фаровон ўлкага айлантиришда республикамиз бошқа областларининг меҳнаткашлари қатори фарғоналик пахта усталари, қўли гул боғбонлари, қурувчи ва механизаторлари, ажойиб мутахассисларининг ҳам хизматлари каттадир. Мана, бир неча йилдирки, Фарғона ва Сирдарё областларининг меҳнаткашлари ўзаро мусобақалашиб келадилар.

Мен ҳозир бу ҳамкорликнинг энг янги мисолларига эътиборингизни тортмоқчиман. Юқорида айтиб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларига барча қатори фарғоналик мусобақадошларимиз ҳам «лаббай!» деб жавоб бердилар.

Ўз аҳдига вафодор фарманинг ардоғида бўлади. Яшаш ва меҳнат қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилади. Шу йилнинг апрель ойига қадар бизнинг областимизга жами 850 нафар, келгуси беш йилликнинг охирига қадар 3500 нафар фарғоналикларнинг кўчиб келиши мўлжалланмоқда. Уларни кутиб олиш учун ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилаётир. Тегишли қурилиш ташкилотларининг ишлари қайта кўриб чиқилмоқда, улар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланмоқда.

— Жуда муҳим масалани тилга олдингиз. Редакцияга келаётган хатлардан ҳам газетхонларнинг қўриқ зоналардаги уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишига катта қизиқиш билан қараётганликлари кўриниб турибди. Шулар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

— Кейинги икки сайлов оралиғида сайловчилардан маҳаллий Советлар депутатларига 4680 та наказ тушган эди. Ана шу наказларнинг кўпчилиги уй-жой, маданий-маиший бошқа объектлар қурилиши билан боғлиқ. Бу табиий, албатта. Қўриқ областининг экономикасини қурилишсиз юксалтириб бўлмайди. Аввало, шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, маҳаллий Советлар депутатларига берилган ана шу наказларнинг деярли 94 процент амалга оширилди. Унинг қолган қисми ҳам сўзсиз амалга оширилади. Ана шу давр мобайнида 378,4 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

443,9 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 320,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Натижада кейинги икки йилда 398,7 минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди, 3700 ўринли боғча, 10 минг 466 ўринли умумтаълим билим даргоҳлари, 500 ўринли касалхона ва поликлиника, 162 минг 366 квадрат метр ўрнига деярли 190 минг квадрат метр уй-жой бинолари барпо этилди. Еки ана шу соҳадаги топшириқлар 116,6 процентга етказилди. Шунингдек, мазкур район ҳўжаликларида 3340 ўринли 6 та типовой мактаб, жами 930 ўринли замонавий бончалар, 5 та медпункт қурилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда бу ерда амалга оширилаётган ишлар чакки эмас. Лекин, ҳали асосий ишлар олдинда турибди. Жумладан, шу йилнинг охирига қадар деярли 17 минг квадрат метр ёки 216 та квартира бунёд этилиб, чўл забткорлари ихтиёрига топширилади. Мазкур районда пландан ташқари яна 42 минг квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланяпти.

Меҳнатобод тупроқ шароити оғир бўлган зонада ташкил топган. Лекин бу ерга қалб амри билан кўчиб келишаётган фарғоналик пахта усталарининг юксак маҳорати, фидокорона меҳнатлари туфайли Мирзачўл қўриғининг ана шу сўнгги парчаси ҳам боғу-бўстонга айланиб қолишига ишончимиз комил. Шунинг учун ҳам мусобақадошларимизни сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

— Областда қўриқ ерларни ўзлаштириш истиқболлари қандай?

— КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш юзасидан областимизда катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. 1986—1990 йиллар мобайнида 20,3 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Ўзлаштириш ишлари асосан Ховос райони территориясида кулоч ёзади. Шунингдек Меҳнатобод, Сирдарё, Ворошилов районларида ҳам экинзорлар имконият даражасида кенгайтирилади. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ қўриқ Сирдарё областида иқтисодий ва социал ривожланиш борасида ҳали катта резервлар мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун кўплаб ишчи кучлари зарур. Фарғоналик қадрдонларимизга яна бир бор: «Марҳабо, қўриқ сизга мунтазир, келинг, чўлни обод этишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшайлик!» деймиз.

САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

Ҳовли тўйлари кўпаймоқда

•

Қардошларимиз туҳфаси

•

Қўриқ жамол очмоқда

•

Эл дастурхонига

САМАРҚАНД. Қадимий ва навқирон шаҳарда сайловдан сайловгача ўтган давр ичида фахрланса арзийдиган қувончли ўзгаришлар бўлди. Янги «Сўғдиёна» турар жой райони жамол очди. Сўнгги икки йил ичида бу ерда 160 минг квадрат метр уй-жой, иккита мактаб, бешта болалар боғчаси ва бошқа маданий-маиший хизмат объектлари қад ростлади. Суратда: уйсозлик комбинати мастери А. Шеритаев, рафиқаси Муҳаббат ва қизи Юлдуз янги хонадонда.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ҚЎРКИ

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдаги бой тажрибалар, партия ва ҳукуматимиз яратиб бераётган жуда катта моддий-техника имкониятлари Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Буни областимиздаги энг кенжа Комсомолобод райони мисолида яққол кўрамиз. Бугун бу ерда Андижоннинг турли томонлари ва қўшни областлардан келган марди-майдонлар меҳнат қилишяпти.

Ташкил топганига 10 йил бўлган бу қўриқ районда қисқа давр ичида катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг донгдор кишилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари етишиб чиқди. Қўриқ районни ўзлаштириш тез суръатлар билан давом эттириляпти.

Беш йилликнинг ўтган даври ичида районда 1896 гектар янги ер ўзлаштирилди. Шунга яраша уй-жой, маданий-маиший ва қишлоқ хўжалигига хизмат киладиган объектлар фойдаланишга топширилди. Бу — Комсомолобод ҳуснига-ҳусн қўшди, район маркази қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Янги уйларда бутун умрини чўлга бахшида этган кишилар яшамоқдалар, ҳар йили юзлаб оилалар ҳовли тўйларни ўтказишяпти. Маданий-маиший муассасалар чўлқуварларга хизмат қилмоқда.

Партиямизнинг қўриқ районимиз тўғрисидаги қамҳўрлиги чексиздир. Кейинги 3—4 йил ичида районда 21 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. 200 дан зиёд хонадон янги уйларга кўчиб ўтди. Янги мактаблар, болалар боғчалари, чорвачилик фермалари қурилди. «Комсомол» совхозининг «Андижон» бўлими зонасида 30 та уй-жой, 90 ўринли боғча, магазин бинолари, 1000 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси бунёд этилди. Умуман, биргина «Комсомол» совхозининг ўзида шу давр ичида 3 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилди.

Комсомолободнинг бугунги жамолида «Андижанводстрой» трестининг 6- ва 7-механизациялашган кўчма колоннаси, 24-қурилиш трестининг 66-механизациялашган кўчма колоннаси, «Облколхозстрой» бинокорларининг муносиб ҳиссаси бор. 66-кўчма колонна район марказида 24-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти учун янги бино қуриб берди. 10 та кооператив уйи фойдаланишга топширди.

Район марказида кейинги 2—3 йил ичида Фарҳод, Охунбобоев, Бобур каби янги кўчалар пайдо бўлди. Бу йил 784 ўринли ўрта мактаб, марказий дорихона, район бош пиллахонасининг янги биноси қад кўтаради.

Лекин қўриқ районнинг ўз муаммолари бор. Қурилиш ташкилотлари янги уй-жойлар барпо этишда имкониятлардан оқилона фойдаланмаяптилар. «Андижанводстрой», «Облколхозстрой» ҳамда 24-қурилиш трестлари Комсомолободда қурилиш моддий-техника базасини мустаҳкамлашлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 й.) Пленуми ерларни мелиорациялашнинг узоқ муддатли программасини белгилаб, суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эътиборни қаратди. Бу ишни капитал қурилишсиз, меҳнаткашларга уй-жой бинолари қуриб бермасдан, маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшиламасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Район Совети ижроия комитети қурилиш ташкилотлари, қишлоқ Советлари ижроия комитетлари, депутатлар ҳамда хўжалик раҳбарларининг диққат эътиборини ана шу масалаларни изчиллик билан ҳал этишга, шу асосда октябрь Пленуми кўрсатмаларини рўёбга чиқаришга доир ҳамма чораларни кўрмоқда.

Т. ҚАМЧИЕВ,
халқ депутатлари Комсомолобод район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

БИЗНИНГ АРМУҒОН

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларни муносиб кутиб олишга аҳд қилган районимиз парандабоқарлари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Районда тухум тайёрлаш бўйича шу йилнинг биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Давлатга 415 минг дона ўрнига 430 минг дона тухум топширилди.

Кейинги икки йилда районимизда, айниқса, паррандачилик тез суръатлар билан юксалиб боряпти. Чунончи, ўтган йили йилига 2,5 миллион дона тухум, 300 тонна парҳез гўшт етказиб бериш қувватига эга бўлган, ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялашган ва автоматлашган паррандачилик фабрикаси, йилига 500 минг дона жўжа очириладиган инкубатория фойдаланишга топширилди. Районимиз парранда боқарлари йил охиригача давлатга 3 миллион 150 минг дона тухум, 451 тоннадан ошиқ парҳез гўшт сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. НАСИМОВ,
Ғиждувон район агросаноат бирлашмаси бош зоотехниги.

ҚУЛАЙЛИК

ТОШКЕНТДА ЯНГИ ТРОЛЛЕЙБУС

Республикамиз пойтахти кўчаларида бежирим троллейбуслар пайдо бўлди. Оқ-қизил рангга бўялган бундай шаҳар транспорти йўловчиларга маъқул тушмоқда. Янги троллейбуслар «Домбробод — Инқилоб ҳиёбони» маршрути бўйлаб йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

— Троллейбуслар Чехословакиянинг «Шкода» заводида ишлаб чиқарилган, — дейди 2-троллейбус депосининг директори В. Цховребов. — Янги транспорт йирик шаҳарлар учун мўлжалланган. Шовқинсиз, равон юриши, икки табақали учта эшикка эгалиги ва бошқа қулайликлардан йўловчилар мамнун бўлишмоқда. Салондаги вентиляция ёз кунлари мўътадилликни таъминлайди.

75 йўловчига мўлжалланган бундай транспорт воситаси соатига 90 километргача тезликда юра олади. Йўлга чиққан «Шкода» троллейбусини биринчи бўлиб бошқариш ишлаб чиқариш илғорларидан З. Ғуломова топширилди.

Суратда: «Шкода» троллейбуслари. О. Канон фотоси.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

30-ТЕМИРИЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985—1986 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ПАССАЖИР ПОЕЗДЛАРИ ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ. Ўқиш муддати 10 ой. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади;

РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ПОЕЗДЛАРНИНГ МЕХАНИГИ ВА ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати бир ярим йил. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга 72 сўмдан стипендия берилади. 17 ярим ва ундан катта ёшдаги ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади;

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРДАМЧИСИ. Ўқиш муддати 10 ой, ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади. 17 ярим ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганларга диплом берилади. Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган ҳамма имтиёзлардан фойдаланадилар, жумладан Совет Иттифоқининг ҳоҳлаган ерига бориш учун бепул темир йўл билети берилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), ҳарбий билет, турар жойидан справка, 3Х4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони Червяков кўчаси, 12-уй (1,5, 26-трамвайлар, 106-автобуснинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

РСФСРнинг Приморье ўлкаси ва Иваново областлари колхоз ва совхозларига доимий яшаш учун оилаларни кўчиришни уюштиради.

КЎЧИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

— ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИГА — 1985 йил 20 мартгача;

— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1985 йил 6 апрелгача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга мўлжалланган жойга бепул бориш ва юкларини ташиш таъминланади, бир йўла бериладиган нафақа тўланади, уй-жой ёки квартиралар, ёрдамчи хоналари бор ҳовли участкалари берилади.

Янги кўчиб борганлар икки йил давомида квартира учун ва саккиз йил давомида қишлоқ хўжалик солиқларини тўлашдан озод қилинадилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ ХУСУСИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ШАҲАРЛАРДА — область ижроия комитетлари меҳнат бўлимлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Меҳнат бошқармасига;

РАЙОНЛАРДА — Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Меҳнат бошқармаси ва область ижроия комитетлари меҳнат бўлимлари вакилларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИ СПОРТ ЗАЛИДА

28 февраль — 8 март кунлари

«ЗЕМЛЯНЕ» РОК-ГРУППАСИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

28 февраль, 1, 4, 5, 6, 7, 8 мартда соат 17.00 ва 20.00 да; 2, 3 мартда соат 14.00, 17.00 ва 20.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИ СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА (соат 11 дан 20.00 гача), «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» КАССАЛАРИДА (соат 14 дан 17.00 гача) СОТИЛМОҚДА.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ ҲАҚИДА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

46-03-12, 46-70-31 (касса), 46-07-53, 46-68-77 (администратор) телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

•

СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ СИРТҚИ УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

МЕХАНИКА, ҚУРИЛИШ ВА ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ СЕССИЯЛАРНИ ЎТКАЗАДИ

1—курсда — 1-10 март кунлари,

2, 3—курсларда — 21-31 март кунлари,

ХИМИЯ-ТЕХНОЛОГИЯ, ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ

1-курсда — 12-21 март кунлари,

2, 3—курсларда —1-10 апрель кунлари.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

(кичик саҳнада)

27, 28 февраль соат 20.00да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўчқун НАЗАРОВ.

«ОЙНА»

Икки пардали драма.

Постановкачи режиссёр — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати **У. НАЗАРОВ.**

Постановкачи — рассом — **У. САЙДАЛИЕВ.**

Спектаклда қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: **Т. Азизов, Е. Аҳмедов;** Ўзбекистон ССР халқ артисти **М. Орипов;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **О. Юнусов;** Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: **С. Умаров, Т. Мўминов;** артистлар: **Е. Саъдиев, Ҳ. Нурматов.**

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

•

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да **Гўзал Василиса** (12.00), **Князь Игорь** (19.30), 26/II да **Дилором**, 27/II да **Инки дил достони.**

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи правлениеси, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими СССР Езувчилар союзининг аъзоси, драматург

Максим КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг февраль сони «Район газеталари фаолиятини янада оширайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади. «Редакция партия ташкилоти» рубрикаси остида «Правда Востока» газетаси редакцияси партия бюросининг секретари Л. Исамуҳамедовининг «Партиявий таъсирни ошириш учун» сарлавҳали мақоласи, области журналистлар ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот конференциялари ҳақида материаллар, «Практика» бўлимида «Ташкентская правда» газетасининг редактори Б. Шатуновскийнинг «Ташкентская правда» энг муҳим қурилишларда», Самарқанд область «Ленин йўли» газетасининг редактори А. Мухторовнинг «Давр талаби» мақолалари, В. Музаффаровнинг «Марказий Фарғона» район газетаси саҳифаларида мелиорация масалаларига бағишланган матбуот обзори босилган.

Бу соннинг бир неча саҳифаси Наманган область Косонсой район «Ленинчи» газетасига бағишланди. Газета редактори Ё. Жабборовнинг «Изланиш самараси», қишлоқ хўжалик бўлими мудири Ҳ. Исабоевнинг «Объектив ёндашайлик», Наманган «Ударник» босмахонаси Косонсой филиалининг директори А. Қиргизовнинг «Сифат — иш мезони» сарлавҳали мақолалари ва редакция ҳаётига доир бир неча фотосуратлар берилган.

Журналда, шунингдек, «Китоб — оммага», «Журналистлар ёзган китоблар», «Полиграфия», «Хроника» рубрикалари остида ҳам материаллар босилган.

Чет элларда

СТОКГОЛЬМ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

СТОКГОЛЬМ, (ТАСС). Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш тадбирларига бағишланган конференцияда совет делегациясининг аъзоси И. С. Розанов нутқ сўзлади. У ҳарбий ҳаражатларни кўпайтирмаслик ва камайтириш тўғрисида Стокгольм анжуманида муҳокама қилинаётган совет таклифи катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Совет делегати конференция қатнашчиларини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси К. У. Черненконинг «Ҳаёт йўлида юзлар даъвати» Аргентина ҳаракатининг мурожаатига жавобан: «Биз тегишли ялпи аҳдномага эришилган тақдирда ҳарбий ҳаражатларни қисқартириш натижасида бўшатиб олинадиган маблағнинг бир қисмини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун сарфлашни таклиф қилдик. Аммо бу соҳада ҳам Ғарб давлатларининг тутган позицияси сабабли иш юришмаяпти», деб айтган гапларига конференция қатнашчиларининг эътиборини жалб этди.

Стокгольмдаги конференция қатнашчилари ҳарбий ҳаражатларни кўпайтирмаслик ва қисқартириш тўғрисида аҳдлашувга эришишлари Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳисса бўлиб, қуролланиш пойгасини жиловлашга ёрдам берган бўлур эди, деди совет вакили.

ЛИВАН ВАКИЛИНИНГ МАКТУБИ

НЬЮ-ЙОРК. Ливан ҳукумати исроиллик агрессорлар мамлакатнинг оккупация қилинган қисмида қилаётган жабр-зулм ҳаракатларига халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини яна бир бор қаратди. Ҳукуматнинг илтимосига биноан Ливаннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Фахури БМТ Бош секретарини Исроил қуролли кучларининг Ливан жанубий қисмидаги, Бекаа водийсининг ғарбий қисмидаги ва Рашейя районидаги шафқатсизлик ҳаракатларидан хабардор қилди. «Ҳозирги вақтда Исроил қўшинлари шу районларда кўп марталаб қуршов ўтказиб, одамларни қамоққа олмоқдалар, ўлдирмоқдалар ва жабр-зулм қилмоқдалар»,— дейилади Перес де Куэльярга юборилган мактубда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доираларида қайд этишларича, Тель-Авив оккупация қилинган территориядаги қўшинларни «босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш» планини эълон қилганидан кейин сионистлар мана шундай қутуриб бедодлик қила бошладилар. Бу бедодлик ҳаракатларини Исроил махсус маҳкамалари АҚШ билан мустаҳкам ҳамкорликда режалаштириб, амалга оширмоқдадар, бу ҳаракатлар оккупациячи қўшинлар олиб чиқиб кетилмоқчи бўлган районлардаги миллий ватанпарвар кучларга қарши қаратилган.

«Исроилнинг мансабдор шахслари Исроил томонидан эълон қилинган «пўлат мушт» деб аталган жазо операциясини кенгайтириш ва кучайтиришга Исроилнинг тайёрлигини неча марталаб таъкидлаган эдилар, — дейилади Ливан вакилининг мактубида. — Ливан ҳукумати ўзи зарур деб ҳисоблаган пайтда хавфсизлик кенгашининг махсус мажлисини чақиришни илтимос қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади».

(ТАСС, 23 февраль).

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда республикамизда ҳавонинг булутли келиши, жойларда ёғингарчилик бўлиб, туман тушиши кутилади. Шимоли-ғарбдан секундига 5—12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 1—6 даража иссиқ бўлади. Шимолий районларда кечаси 5—10, кундузи 0—5 даража атрофида совуқ бўлиши кутилади.

Тошкентда ҳаво булутланиб туради, ёғингарчилик бўлади, кечаси ва эрталаб туман тушади. Ғарбдан секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2—4 даража совуқ, кундузи 3—5 даража иссиқ бўлади.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҚОРОВУЛ КЎЗГУ

Бу кўзгу одамни «кўриши» биланоқ товуш ва нур сигнализацияси ишга тушади. Чунончи ҳатто тим қоронғиликда ҳам шу ҳодиса рўй беради.

У қандай қилиб ишлайди! Ўзига хос қоровулга айлантирилган кўзгунинг сигнал бериши учун бирон тасвирни акс эттириши мутлақо талаб қилинмайди. Унинг вазифаси — тирик организм иссиғини ушлашдан, аниқроқ қилиб айтсак, тирик организмдан чиқадиган ультра қизил нурни ушлашдан иборатдир. Ботиқ нуқра кулча шу нурни алоҳида сезгир материалдан ишланган детекторга йиғади. Шу ерда электр импульслари вужудга келиб, қўнғироқ ҳам, ўчиб ёнадиган лампалар ҳам шу импульслар воситасида ишлайди.

Қурилма Латвия давлат университетида ишлаб чиқилган. Авторларнинг фикрича, у биноними эмас очиқ ҳаводаги чоғроқ участкаларни ҳам қўриқлай олади. Ёғ ёлатти кўзгудан электр энергиясини тежашда ҳам фойдаланиш мўлжалланади. Масалан, уйдаги чироқни одам кирганда ёнадиган ва чиқиб кетганда ўчадиган қилиш мумкин.

Рига.

С. ШПУНГИН,
ТАСС мухбири.

КАЛЕВ—БУКИЛМАС ДЕГАНИ

Қадимдан Чуд кўли қирғоқларида яшаб келган эстонлар уни Пейпси деб атаганлар. Таниқли совет тилшуноси Эстония Фанлар академиясининг академиги П. Аристэ угро-фин қабилаларининг халқ ривоятларидан шу сўзнинг дастлабки маъносини топди. Бу сўз «катта сув» деган маъонни билдирар экан.

Ўн еттита угро-фин тилида бемалол гаплаша оладиган олим икки мингтадан кўп эстон сўзларининг келиб чиқишини аниқлади. Толмас тадқиқотчи ҳар ёз магнитофонни олиб, Тарту университети студентлари билан бирга экспедицияга жўнаб кетади (олим бу университетда дарс берётганига эллик йилдан ошди). Сўнгра кабинетига қайтиб, Чуд бўйидаги қишлоқлар аҳолисининг қўшиқлари, эртаклари ва масалларини тинглаб, маъносини ечади. У ўн беш тилда йиғирмадан кўп китоб ёзган. Унинг энг машҳур «Дунё тиллари» деган асари совет ва чет эл тилшуносларининг доимий фойдаланадиган китоби бўлиб қолган.

Яқинда ҳамкасблар Тарту илмий мактабининг асосчиси, фин угрошуносларга совет комитетининг раиси П. Аристэни 80 ёшга тўлганлиги билан қутладилар. Академикнинг иш столида янги асарлар, бинобарин кашфиётлар турибди. Шулардан бири эстонлар ҳамда финлар халқ достонига кирган ва Калев номининг маъноси очилган асардир. Мутахассис Моонзунд оролларги аҳолисининг лахжаларини ўрганаётиб, «Калев» ўзагига яқин сўзларни топди. Бу сўз «букилмас» деган маъонни билдирар экан.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ 25 ФЕВРАЛДА ЧИҚАДИ.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.50 — Футбол шарҳи. 10.20— Мультфильмлар. 11.05 — «Саша». Бадиий фильм. 12.15 — Телефильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Телефильмлар. 15.50 — «Онамларнинг мактаби». 16.20 — Горничлар, қаердасиз! 16.50 — Хотиралар ва учрашувлар. 17.35 — Телеочерк. 18.05 — Армиячилар қишки Спартакиадаси. 18.40 — Жаҳон халқларининг ижоди. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Ишлар ва одамлар. 20.10 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 21.30 — «Время». 22.05 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 23.20 — Илмий-оммабоп фильмлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Фан ва турмуш. 11.05 — «АБВГДейка». 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Рус тили. 13.55 — Илмий-оммабоп фильм. 14.40 — Ж. Рид. Ҳаёти ва ижоди. 15.25 — Режиссёрлик санъати. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00— Ритмик гимнастика. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Сузиш. СССР чемпионати. 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Салом, қўшни». Бадиий фильм. 23.30 — Чинни буюмлар кўргазмаси.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ҳунардан бахт унар. 18.55 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Картошкачилик: тажриба ва муаммолар. 20.15 — Бугун оламда нима гап. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — СССР композиторлари съезди олдидан. 21.30 — «Время». 22.05 — «Соқон рицарь». Спектакль.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — Москва-II. 18.10 — Илмий-оммабоп программа. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Врач маслаҳати. 19.40 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Телефильм. 21.10 — Бунёдкорлик уфқлари. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

25 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». 9.15 — «Фрунзевец» газетасининг обзори. 9.20 — Ёшлик қўшиқлари. 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальный». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшитириш. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Музикали тафаффус. 19.25 — Чорвоқ тароналари. Сюита. 21.00 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 21.10 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 21.30 — Концерт. 22.30 — Чархий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 11097. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. А. 47. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12